Ушбу сонда:
2 АЁЛ БОРКИ ФАРЗАНДИМ ДЕЙДИ
3 САЙЁРАМИЗ САДОСИ
4 ДУНЁ БИЗНИ ТАНИМОҚДА, БИЗ ДУНЁНИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 29 январ, сешанба №18 (1235)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

***Референдумга қўйилган масалаларнинг турмушимизда амалий натижаларини топиши сиёсий ҳаётимизни янада эркинлаштириш йўлида салмоқли қадам бўлади. Бу тадбир давлатни бошқариш, сиёсий тизимни такомиллаштиришда муҳим омилдир***

## ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ КЎРИНИШИ

***Мамлакатимизнинг истиқболдаги тараққиёт йўли, давлат ва жамият ҳаётидаги ислоҳотлар янада жадаллашувининг муҳим омили бўлган икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартиришга бағишланган референдум юртимизда юксак уюшқоқлик билан ўтди. Бу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирнинг барча демократик тамойилларга мос, эркин овоз бериш йўли билан ўтгани мамлакатимизда демократия тобора мустаҳкамланиб бораётганининг яна бир намойиши бўлди.***

***27 январ куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов барча ватандошларимиз каби референдумда иштирок этди.***



Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманидаги 648-референдум участкасида овоз берди.

Шу ернинг ўзида Ислом Каримов маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида бундай муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирлар ҳар қандай давлат ва жамиятни демократлаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.

- Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари мазкур референдумнинг мазмун-моҳияти, унинг давлат ва жамият ўзгаришидаги аҳамияти тўғрисида халқимизга етарли даражада маълумотлар берди,- деди Президентимиз. - Референдумга қўйилган масалаларнинг турмушимизда амалий натижаларини топиши сиёсий ҳаётимизни янада эркинлаштириш йўлида салмоқли қадам бўлади. Бу тадбир давлатни бошқариш, сиёсий тизимни такомиллаштиришда муҳим омилдир.

Референдум қонунчилик тизимимизнинг ўзгаришига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Аввало, янги қонунлар қабул қилиш, қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилади, парламентнинг роли ва ваколатлари кучаяди. Юқори ва қуйи палаталарнинг вужудга келиши билан кучли қонунчилик ҳокимияти шаклланади.

Айтиш жоизки, қуйи палатамиз доимий ишлайдиган бўлади. Бу эса қонунчиликнинг янги босқичга кўтарилишига олиб келади ва ҳаётимизнинг барча жабҳаларидаги ислоҳотлар жараёнига ижобий таъсир этади.

Президентимиз юқори палатанинг мамлакатимиз учун катта аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратди.

- Биз тузмоқчи бўлаётган юқори палата ўз зиммасига анча-мунча ваколатларни олади,- деди давлатимиз раҳбари. - Жумладан, ижроия ҳокимияти кўпгина масалаларда айнан юқори палата олдида ҳисобот берадиган бўлади. Менимча, Президентнинг баъзи ваколатларини ҳам шу палатага бериш зарур. Биз бу палата ривожланган Ғарб мамлакатларидагига ўхшаш бўлишига ҳаракат қиламиз.

Бугун мамлакатимизда ўтаётган мазкур тадбирнинг ўзи демократиянинг бир кўринишидир. Бироқ Ўзбекистондаги демократияга нисбатан турли фикрлар билдираётганлар уни Европа ёки Америка демократиясига қиёслаб эмас, балки бизнинг демократияга эришиш йўлидаги динамикамизга қараб баҳоласа, тўғрироқ бўларди. Бу жараёнда умуминсоний ва демократик қадриятларни четлаб ўтмаган ҳолда кўп асрлик миллий ўзлигимизни ҳам унутмаслигимиз муҳим аҳамият касб этади.

Ислом Каримов референдумнинг ижобий натижалари мамлакатимиз сиёсий ҳаётини тубдан ўзгартиришини таъкидлади ва журналистларни қизиқтирган бошқа кўпгина саволларга жавоб қайтарди.

**Анвар КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИГА

Азиз дўстлар!

Сизларни бугунги қутлуғ сана - «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ташкил этилганига 10 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Юртимиз ўз истиқлолини қўлга киритган дастлабки йиллардаёқ миллий авиакомпаниямиз ташкил этилгани бизнинг мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида қўйган муҳим қадамларимиздан бири бўлган эди.

Шу маънода, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувида, дунёдаги кўплаб давлатлар билан ҳар томонлама самарали ҳамкорлик ўрнатиш жараёнида фуқаро авиациямиз ўзига хос алоҳида ўринга эга десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Сизларнинг ўтган 10 йил мобайнида эришган ютуқларингиз Ватанимиз фуқаро авиациясини ривожлантириш борасида биз танлаган стратегик йўл нечоғли тўғри бўлганини яққол кўрсатиб турибди. Бу стратегик йўлнинг маъно-моҳияти сиз, мана шу соҳа ходимларига айниқса яхши маълум, деб ўйлайман.

Биз жаҳон бозорига чиқишда авиация улкан имкониятларга эга эканини инобатга олиб, ўтиш даврининг муқаррар қийинчиликларига қарамай, ушбу соҳа ривожига устувор аҳамият бердик. Самолётлар паркини замонавий талаблар асосида янгилаш билан бирга, аэропортларни тубдан қайта қуриш ва ҳаво ҳаракатини бошқариш тизимини ислоҳ этиш ишлари амалга оширилди.

Нисбатан қисқа муддат ичида ҳаво транспортига хизмат кўрсатиш ҳамда энг замонавий самолётларни бошқарадиган юксак малакали учувчи ва техник кадрлар тайёрлаш борасида халқаро андозалар ва илғор технологияларга асосланган мустаҳкам база яратилди.

Бугунги кунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» белгиси билан парвоз қилаётган самолётлар турли давлатларда жойлашган 40 дан зиёд аэропортга мунтазам қатнаб турибди.

Жамоангизнинг энг ишончли ва барқарор ривожланаётган авиакомпания деган юксак номга сазовор бўлгани барчамизга ғурур ва ифтихор бахш этади, албатта.

Парвозлар хавфсизлигини таъминлаш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражасини оширишда қўлга киритган натижалари учун авиакомпаниянинг нуфузли халқаро авиация ташкилотлари томонидан бир неча бор тақдирлангани айниқса, таҳсинга лойиқдир.

Энг муҳими, ўтган йиллар давомида авиация соҳасида амалга оширилган чуқур ўзгаришлар мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашда, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада оширишда ўзига хос омил бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида халқимиз эришаётган салмоқли ютуқларда Ўзбекистон ҳаво флоти ходимларининг - учувчилар, штурманлар, муҳандислар ва диспетчерларнинг, сиз, кўпмиллатли жамоа аъзоларининг муносиб ҳиссангиз бор.

Ишончим комилки, сизларнинг юксак малакангиз, билим ва тажрибангиз, мардлик ва маҳоратингиз соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимизнинг салоҳиятини оширишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Барчангизни бугунги байрам билан яна бир бор қутлар эканман, Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган олижаноб ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Сизларга ҳамиша юксак ва бахтли парвозлар ёр бўлсин, азиз дўстларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## РЕФЕРЕНДУМ ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР НИГОҲИДА

***Ўзбекистонда ўтказилган референдумда фуқароларнинг овоз бериш жараёнини кўплаб мамлакат ва халқаро ташкилотлардан келган ўнлаб хорижлик кузатувчилар синчковлик билан кузатиб борди. Уларнинг айримлари ЎзА мухбирларига ўз таассуротлари ҳақида гапириб берди.***

- Мен референдум арафасида айрим округ ва участка комиссияларидаги тайёргарлик ишлари билан танишган ҳамда бу ўта муҳим сиёсий тадбирга мамлакатингизда жуда жиддий тайёргарлик кўрилганига амин бўлган эдим,- дейди италиялик Нерево ЛЕРОНИ. -Овоз бериш рисоладагидек ўтди. Овоз берувчилар ҳам фаол. Умуман, мамлакатингиз, халқингиз менда жуда яхши таассурот қолдирди. Ўзбекистон ўзининг юксалиш йўлидан дадил бораётганига амин бўлдим.

АҚШнинг Яқин Шарқ институти вакили Жон ДАЛИ Нукусда Ажиниёз номидаги 18-ўрта мактаб биносида жойлашган 47-референдум участкасида овоз бериш жараёнини кузатганини айтди.

- Одамларнинг ҳали тонг ёришмасдан туриб участкаларга келиб, фаоллик билан овоз бераётганини кўриб, тўғриси, ҳайратландим, -дейди

**(Давоми 2-бетда).**

## БУРЧГА САДОҚАТ

репортаж

***Бу кунни қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро аҳли ўзгача руҳ, ўзгача кайфият ила кутиб олди. Эрта тонгданоқ шаҳар узра таралаётган куй-қўшиқлар сеҳри дилларни ром этди. Кўча-кўйлар, маҳаллалар байрамона тус олган, нафақат маъмурий бинолар, балки кўпгина уйлар пештоқида ҳам байроғимиз ҳилпирайди.***

Аҳолиси анча зич жойлашган Бухоро шаҳар Тўқимачилик туманидаги 57-референдум участкасидамиз.

— Референдум — демократиянинг ёрқин ифодаси, - дейди участка комиссияси раиси Дилора Ражабова. — Қарангки, халқимиз ўз ҳукмига ҳавола этилган масалани ўта масъулият билан, ҳамжиҳатликда ҳал этаётир.

Бюллетенга киритилган масалаларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти хусусида овоз берувчилар ўртасида муфассал тушунтириш ишлари олиб борилганлиги, қолаверса, ҳар бир киши ўз фуқаролик бурчини юксак англаётгани одамлар оқимидан ҳам сезилиб турарди.

Меҳнат фахрийси, узоқ йиллар ёшларга таълим бериб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган онахон, референдум участкасига биринчилар қаторида келган Маҳбуба Бозорова ўзининг дил сўзларини шундай ифода қилди:

— Остона хатлаб ичкарига кирдиму ўтмиш кўз ўнгимда гавдаланди. Илгари бундай эмин-эркин овоз беришлар қаёқда эди. Бизнинг фикримизни сўраб ҳам ўтиришмасди. Ҳаммаси тепада ҳал бўларди. Энди-чи? Бугун бутун халқ ўз хоҳиш-иродасини ифодалаш учун бу ерга келмоқда. Ишончим комилки, референдум Ўзбекистонимизни янада гуллаб-яшнатишга хизмат қилади.

Референдум участкаси тобора гавжумлашиб борарди. Шу куни овоз беришга чоғланган кўплаб кишилар билан суҳбатлашдик. Улар сиёсий тадбир халқ иродасининг ёрқин ифодаси эканлигини эътироф этиш билан бирга, у мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеалардан бири бўлиб қолишига қатъий ишонч билдирдилар. Шубҳасизки, умумхалқ маслаҳати жамият ҳаётини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишда янги бир босқични бошлаб беради.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ЮКСАК САВИЯДА, ЗЎР УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

***27 январда мамлакатимизда улкан ижтимоий-сиёсий тадбир - икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш масалаларига бағишланган референдум юксак савияда, демократия, очиқлик ва ошкоралик руҳида ўтди. Референдумда овоз бериш жараёни миллий парламентни ва президентлик институтини янада ривожлантиришдан иборат мустаҳкам конституциявий асосларга эга сиёсий ислоҳотлар ватандошларимиз томонидан фаоллик ва уюшқоқлик билан қўллаб-қувватланаётганининг яққол намойишига айланди.***

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН** Республикасида овоз бериш жараёни жуда фаоллик билан ўтди. Республика ҳудудидаги 527 та овоз бериш участкасида овоз берувчилар эрта тонгданоқ хушнуд кутиб олинди.

- Эмин-эркин, ўз хоҳиш-иродасини холис ифода қилаётган озод халқимиз сафида овоз берганимдан шодман,- дейди Қорақалпоғистон халқ шоири Тўлибой Қобулов. - Зеро, овозим ота-боболаримиз армон этган, мен ўз кўзим билан кўриб гувоҳи бўлаётган обод ва ҳур мамла-

**(Давоми 2-бетда).**

## Норжон момо Худойбердиева:

***Истиқлол мен каби оддий меҳнатчиларнинг қадр-қимматини ўрнига қўйди. Умумхалқ маслаҳатида қатнашганимиз ҳам бизга юксак даражада ишонч билдирилганидан далолат.***

## БАХТИМИЗ УЧУН ОВОЗ БЕРДИМ

***Халқимизда кенгашли тўй тарқамас, деган ҳикмат бор. Ҳамқишлоқларим референдумда бағоят фаоллик кўрсатишди. Барча саъй-ҳаракатлар юртимиз фаровонлиги, тинчлик-хотиржамликнинг барқарор бўлишига хизмат қилади.***

***Бу сўзлар Қарши туманидаги 218-Талликўрғон референдум участкасида овоз берган 80 ёшли Тош Ҳамдамов, 90 ёшли Момогул Раҳимова ва бошқаларнинг ҳам дил сўзларидир. Ушбу ажойиб палладa дил-дилимдан ният қиламан: ёмоннинг юзини тескари қилсин, муборак юртимиздан қут-барака асло аримасин!***

## ЧЎЛҚУВАРЛАР КАЙФИ ЧОҒ

***Мирзачўл туманининг маркази — Гагарин қўрғони 27 январ куни байрамона тус олди. Соат олтида тумандаги референдум ўтказувчи 11 та участка эшиклари очилди. Уларга келувчилар — зиёлилар, қишлоқ хўжалик ходимлари, лицей ва коллежларнинг талабалари, фахрийлар чеҳрасидан ғурур, ҳаяжон, айни пайтда шукроналикни илғаб олиш қийин эмасди.***

Участкалар иши билан бирма-бир танишамиз. «Чўлқувар» маданият саройида жойлашган 301-участка узоқдан кўзга ташланади. Кўркам бино пештоқлари даъваткор шиорлар, плакатлар билан безатилган. Хизмат кўрсатувчи машиналар шай турибди. Тиббий пункт, оналар ва болаларнинг дам олиш хоналари ишламоқда. Махсус хонада овоз берувчилар «Ўзбекистон — Ватаним маним» туркумидаги адабиётлар тахлами, газеталарнинг референдумга бағишланган сонлари билан танишишлари мумкин эди.

— Участкамиз бўйича 2262 киши овоз бериши керак, - дейди участка комиссияси раиси Маҳмуджон Юсупов. — Соат 12 гача уларнинг 65 фоизи овоз бериб бўлди. Одамларимиздаги фаоллик, эртанги кунга ишонч, улуғ ишларга дахлдорлик ҳиссини кўриб дилдан қувондим.

— Ёшим 95 да, - фикрини ифодалайди Розия момо Шуйбекова, — комиссия аъзолари урунманг, гуруҳ аъзолари ҳузурингизга келиб овоз бериш учун имкон яратишади, дейишганди. Бироқ, она қишлоғимни яёв кезиб қувона-қувона участкада фуқаролик бурчимни адо этдим. Истиқлол биз каби фахрийларга куч-қувват ато этди. Худо хоҳласа танда жонимиз бор экан мустақилликни мустаҳкамлаш ишига баҳоли қудрат ҳисса қўшишга ҳаракат қилаверамиз.

Бундай илиқ гапларни 82 ёшли Чинор ая Бўронова, 84 ёшли Товбой ота Мусурмонов, 83 ёшли Ислом бобо Шириновлар ҳам таъкидлашди.

Соат ўн бешгача туман фуқаролари овоз беришни деярли якунладилар. Умумхалқ референдуми Мирзачўлда демократиянинг ёрқин тимсолига айланди.

**Қодиржон СОБИРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

***Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек туманини бежиз байналмилал ҳудуд деб аташмайди. Чунки, мазкур туманда ўзбек, рус, украин, қозоқ, тожик, арман, озарбайжон каби ўнлаб халқларнинг вакиллари истиқомат қиладилар. Бу хусусият 27 январ — умумхалқ референдуми куни яна бир бор яққол намоён бўлди.***

## МИННАТДОР ҚАЛБ ИЗҲОРИ

Эрталаб соат олти. 92-референдум участкасига биринчи бўлиб Виктор Иванович Твердиков кириб келди. Унинг ҳаяжонланиб турганлиги чеҳрасидан билинарди. Табассум билан қўлига бюллетен олар экан ҳаммага қарата шундай деди:

— Мен Бўз маҳалласидаги 6-уйнинг 24-хонадонида яшайман. Меҳнат ва уруш фахрийсиман. Ҳаётимда анча-мунча қийинчиликларни кўрдим. Аммо, ўзбек халқидек бағри кенг одамларни кам кўрдим. Кўнгил кўнгилдан сув ичар деганларидек, Ўзбекистонда умргузаронлик қилаётган юздан зиёд эл ва элатларнинг намоёндалари байналмилаллик устувор жойда барча ишларнинг ривожи яхши бўлажагига неча бор амин бўлганлар. Зотан, байналмилаллик тинчлик, тотувлик, осойишталик демакдир. Шу орада овоз бергани келган А.Метелин, В.Ласточкин каби отахонлар ҳам овоз бериш жойига яқинлашишди.

— Мен умримда биринчи бор овоз бермоқдаман, - деди Черданцев кўчаси 2-уйда яшовчи Қурбон Маҳмудов, — биз ёшлар она-Ватанимизнинг равнақи, мамлакатимизда барқарор тинчлик учун овоз берамиз.

Шу тариқа тумандаги 92-референдум участкасида овоз бериш жараёни уюшқоқлик билан бошланди. Участка комиссияси раиси Ҳ.Исматуллаев, комиссия аъзолари И.Қодирова, М.Мамиров, Г.Шулгина кабилар овоз беришга келган кишиларга яхши хизмат кўрсатдилар. Ўша куни туманнинг барча участкаларида овоз бериш кўтаринки руҳда ўтди.

**Абдураҳим УМАРБЕКОВ.**

# ЮКСАК САВИЯДА, ЗЎР УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

(Боши 1-бетда).

катимнинг истиқлолию истиқболига хизмат қилишига ишонаман.

**ТОШКЕНТ шаҳрида** мазкур муҳим сиёсий тадбирга пухта тайёргарлик кўрилди.

- Ривожланган давлатлар қаторидан жой олишни истасак, қонун чиқарувчи институтларимиз фаолияти ҳам шу давлатлардагидек бўлиши керак,- дейди 77-референдум участкасида овоз берган Тожибой Мўминов. - Шу боис, келгуси чақирикда парламентимиз икки палатали қилиб сайланиши тарафдориман. Бу қонун чиқарувчи ҳокимиятни мустаҳкамлайди.

**АНДИЖОН** вилоятида қарийб 20 минг нафар ёш йигит-қиз бундай улкан сиёсий тадбирда илк бор қатнашди.

- Бугун одатдагидан кўра эртароқ турдим ва референдум участкасига отландим,- дейди қурилиш фирмаси пайвандловчиси Василий Берников. - Кўриб турганингиздек, тонгни хайрли ишдан бошлашни яхши кўрадиганлар кўп экан. Ростини айтсам, оддий ҳамюртларимизнинг давлат ва жамият қурилиши билан боғлиқ мана шундай муҳим масалаларга иштиёқ билан бевосита иштирок этаётгани мени жуда қувонтирди.

**БУХОРО** вилояти округ комиссияси маълумотига кўра, референдумда қатнашувчи 769 минг 700 фуқародан 60 минг 299 нафари эрталаб соат саккизга қадар ўз хоҳиш-истагини билдириб улгурди.

- Юрт тақдири, келажагимиз равнақи, демократиянинг ривожланиши каби долзарб масалаларга мен ҳам дахлдор эканимдан хурсандман,- деди 63-референдум участкасига биринчилар қаторида кириб келган Нозима Саидова. - Чунки ҳаётимда илк бор ва яна биринчилардан бўлиб овоз берганимдан бахтиёрман.

Референдум **ЖИЗЗАХ** вилоятида ҳам катта кўтаринкилик билан ўтди.

- Мен турли сиёсий тадбирларда кўп марта қатнашганман,- дейди Ўринбой Мансуров. - Аммо бугун катта байрам сифатида ўтаётган референдумнинг аҳамияти ўзгача. Унда кўрилаётган масалаларни сидқидилдан қўллаб-қувватлайман.

**НАВОИЙ** вилоятида 433 минг киши овоз берувчилар рўйхатига киритилган.

- Комиссия аъзолари, отахон, ўзимиз уйингизга борамиз дейишса-да, кўп қатори келиб овоз беришга қувватим етганидан мамнунман,- дейди 8-референдум участкасида овоз берган Ҳамро бобо Турсунов, - 100 ёшга киряпман. Аммо ҳали тетикман.

**НАМАНГАН** вилоятидан олинган маълумотларга қараганда, бу ерда эрталаб соат 10.30 да овоз бериш ҳуқуқига эга фуқароларнинг 60 фоизи референдумга киритилган масалаларга ўз муносабатини билдириб улгурган.

- Бундай юқори натижа бизни унчалик ҳам ҳайрон қолдиргани йўқ,- дейди вилоят округ комиссияси раиси Ғозихон Яҳёхўжаев. - Зеро, ўта муҳим ишларни эрталабданоқ бажаришга киришиш ҳамюртларимиз учун одатий ҳолдир. Айрим туманларимизда бу кўрсаткич бундан ҳам юқори экани фикримизни яна бир карра исботлайди.

Референдум **САМАРҚАНД** вилоятида ҳам ўзига хос уюшқоқлик руҳида ўтди. Бунинг асосий сабабларидан бири - 27 январга қадар вилоятдаги референдум ўтказувчи 802 участкада қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилганида.

Вилоят бўйича тадбирда иштирок этувчи фуқаролар референдумолди учрашувлари ва оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот жараёнида ўзига керакли маълумотларни олди.

**СИРДАРЁ** вилоятида 326 минг 328 нафар овоз бериш ҳуқуқига эга фуқаро рўйхатга олинган эди.

- Вилоят бўйича куннинг биринчи ярмида 80 фоиз фуқаро овоз бериб улгурди,- дейди вилоят округ комиссияси котиби Абдушокир Абдураҳмонов. - Олтита участкада эса бу вақтга келиб овоз бериш натижалари бундан ҳам юқори бўлди.

**СУРХОНДАРЁ** вилоятида ҳам референдумда овоз беришда жамиятнинг турли қатламлари вакиллари фаол иштирок этиб, ўз хоҳиш-истакларини билдирди.

- Бундай катта сиёсий тадбирда биринчи марта қатнашаётган бўлсам-да, референдумга киритилган масалаларни яхши тушуниб, онгли равишда овоз бераётирман,- деди оддий аскар Жаҳонгир Қобилов. - Биз, чегарачилар юрт тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, мамлакат равнақи учун овоз бердик.

**ТОШКЕНТ вилояти** округ комиссияси раиси Умар Муслимовнинг айтишича, куннинг иккинчи ярмигача вилоятда рўйхатга олинган аҳолининг 90 фоизи овоз бериб бўлган.

- Пенсионерман,- деди 131-референдум участкасида эндигина бюллетенни қутига ташлаб чиққан отахон Абдукарим Комилов. - Узоқ йиллар цемент заводида ишладим. Президентимиз бу йилни «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилгани биз, кексаларни жуда қувонтирди. Шундай экан, мамлакат ҳаётидаги сиёсий тадбирларга бефарқ бўлмаймиз.

**ФАРҒОНА** вилоятидаги 811 участкада, бошқа жойларда бўлганидек, бетоблиги ва узрли сабаблар туфайли кела олмаган фуқаролар овоз беришлари учун тегишли шароит яратилди.

- Қувасой шаҳридаги 93-референдум участкасида ҳаммадан биринчи бўлиб овоз бердим,- дейди Нина Хайдукова. - Менинг овозим ўзим ва барча оила аъзоларим, қолаверса, мамлакатимиз, халқимизнинг порлоқ эртаси учун хизмат қилишига ишонганимдан бу ерга келдим.

**ХОРАЗМ** вилоятидаги мавжуд референдум участкаларида муҳим сиёсий тадбирга катта тайёргарлик кўрилгани, хусусан, ташаббускор гуруҳлар томонидан референдум ва бюллетенга киритилган масалаларнинг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилгани туфайли одамлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксак даражада намойиш этди.

**ҚАШҚАДАРЁ** вилоятида 708 участкада соат 12.00 гача фуқароларнинг 87 фоизи референдумга қўйилган масалаларга ўз муносабатини билдирди.

- Мен Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканига қатъий ишонаман,- дейди Қарши муҳандис-иқтисодиёт институти талабаси Дияна Вилданова. - Шунинг учун ҳам бугун референдумга киритилган масалаларни бажонидил маъқулладим.

Юртимиз бўйлаб ана шундай фаоллик, уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтган референдум мамлакатимизнинг мустақиллиги мустаҳкамланишида, Ўзбекистоннинг миллий давлатчилик институтлари янада мукаммаллашувида ғоятда муҳим қадам бўлгани, шубҳасиз.

**(ЎзА).**











# РЕФЕРЕНДУМ ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР НИГОҲИДА

(Боши 1-бетда).

жаноб Дали. - Мулоқотлардан англадимки, мустақил Ўзбекистон раҳбари юритаётган изчил сиёсат халқнинг фикрига таянади ва халқ иродасини ифодалайди. Овоз бериш жараёнида бирор камчилик ёки муаммо кўрмадим. Мустақил юрт халқига, Оролбўйи аҳолисига янада равнақ тилайман.

- Давлатларимиз мустақилликка эришганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ, аммо Ўзбекистон ўз танлаган йўлидан дадил одимлаяпти десам, янглишмайман, - деди Беларус Марказий сайлов ва референдум ўтказиш комиссияси раиси Лидия ЕРМОШИНА. - Умумхалқ референдумига тайёргарлик жараёни, фуқароларнинг фаол иштироки, ҳар бир кишининг мамлакат келажаги учун масъулликни ҳис этиши одамларнинг сиёсий онги ўсиб бораётганидан далолат беради.

Россия стратегик тадқиқотлар институти директори Евгений КАЖОКИН Фарғона водийсида бўлди.

- Умумхалқ референдумига тайёргарлик борасида Фарғона ва Марғилон шаҳарларида амалга оширилган ишлар билан танишдим, -деди меҳмон. - Танишиш жараёнида участкалар ва меҳнат жамоаларида бўлиб, одамлар билан суҳбатлашдим. Мулоқотларимиз давомида улар бу кунни байрамдек қарши олаётганига амин бўлдим. Улар нима учун овоз бераётгани, ўз сўзи мамлакатингиз эртаси, жамиятингиз ривожи, халқингизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти учун катта аҳамият касб этишини яхши англайди. Бу мустақил мамлакатингизнинг улкан тараққиёти ва салоҳиятини кўрсатиб турибди.

Грециядан келган Веланис ДИМИТРИОС Наманган вилоятидан олган таассуротларини бундай ифодалади:

- Ҳаммаси кутганимдан зиёда. Буни алоҳида таъкидламоқчиман. Негаки, гўзал Ўзбекистонга сафарим таассуротларимни бутунлай ўзгартириб юборди. Халқингиз тинч ва осуда яшаётгани, энг муҳими, бунёдкорлик билан машғуллигига яна бир карра амин бўлдим. Референдумнинг ўзига келсак, доим халқ билан шундай очиқ маслаҳат ва мулоқот қилиш зарур, деб ўйлайман. Қолаверса, овозга қўйилган масалалар халқнинг фақат бугуни эмас, эртанги ҳаётига ҳам тааллуқли. Юртдошларингиз жуда фаол экан. Эрталабдан бир неча участкада бўлдим. Референдум одамларда самимий қизиқиш уйғотганини кўриб, тўғриси, ҳайратландим.

**(ЎзА).**

***— Аҳолининг референдумдаги фаоллиги барчани қувонтирди, - деди Конимех туман ҳокими Баҳриддин Рўзиев "Туркистон-пресс мухбирига. — Тумандаги 40 та участкада эрта тонгданоқ иш бошланиб кетди.***

## КОНИМЕХЛИКЛАР ЯКДИЛЛИГИ

Баҳриддин Рўзиевнинг айтишича, бир-биридан олис бўлса-да барча ширкат хўжаликларида ушбу сиёсий тадбир уюшқоқлик билан ўтказилди. Натижада 27 январ куни 2 минг 146 нафар киши референдум участкаларига келишди. Касаллиги туфайли келолмаган кишиларнинг уйларига қутилар олиб борилди. Референдум кунида халқимизнинг ватанпарварлиги, сиёсий дунёқараши, фаоллик ва аҳиллиги яна бир бор синовдан ўтди.

***"Хўжаикон" туз ишлаб чиқариш корхонасида маҳсулотни янги технология асосида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.***

## ХАЙРЛИ ҚАДАМ

Мамлакатимиздаги 70 фоиз аҳолининг ош тузига бўлган талабини Сурхондарё вилоятидаги "Хўжаикон" туз ишлаб чиқариш корхонаси қондиради. Корхона йилига 50 минг тонна йодланган ош тузи ва 100 тонна техник туз ишлаб чиқариш қувватига эга. Маълумки, бўқоқ касаллигининг олдини олишда йодланган ош тузининг фойдаси катта. Шуни ҳисобга олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси 1998 йили корхонага ош тузини йодлаш мосламаси ва 5 тонна калий йод эритмаси тақдим этди.

**"Туркистон-пресс".**

# АЁЛ БОРКИ ФАРЗАНДИМ ДЕЙДИ

***Сирдарё вилоят автомобил транспорти ва йўл қуриш корхоналари касаба уюшма қўмитаси бу борада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳаракат дастуридан келиб чиққан ҳолда фаолият юритмоқда.***

36 та тармоқ касаба уюшма корхоналарида 121 нафар кишидан иборат комиссия бажарилган ишларни таҳлил этиб келяпти. Зотан аёллар, ёш фарзандли оналар, кўп болали оилалар ҳамда ҳомиладор аёлларга ишда, турмушда кўмаклашиш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш, имтиёзлардан фойдаланишларини таъминлаш бевосита касаба уюшма етакчилари зиммасида. Мавжуд 36 та жамоанинг шартномалари ва меҳнат битимларининг барчасига умумий йиғилишда тасдиқланган тадбирлар киритилиб, улар ижроси жамоа ўртасида муҳокама этилмоқда. Бу эса мазкур муҳим тадбирга масъулиятсизлик билан ёндошаётган ташкилот ва корхоналар раҳбарларига катта сабоқ бўлмоқда. Ўтган давр мобайнида «Она ва бола» Давлат дастурининг бажарилишига тармоқ ташкилотлари ва касаба уюшма қўмиталари катта маблағ сарфлади.

— Аёл борки болам дейди. Унга иш вақтида яратилган шароит, имконият оиласига, фарзанд тарбиясига бўлган эътиборини оширади, - деди Сирдарё вилоят тармоқ касаба уюшма кенгашининг раиси Муқим Солиев. — Бизда 34 нафар кўп болали, 28 нафар 3 ёшгача фарзандлари тарбияси билан машғул бўлган аёллар меҳнат қилади. Корхоналарнинг иқтисодий шароитига қараб уларнинг ҳар бирига ойда бир, моддий бақувват жамоаларда эса икки марта энг кам ойлик маош миқдорида ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Тармоқда фаолият кўрсатаётган ишчи хонадонларининг 122 таси кўп болали, кам таъминланган оилалардир. Корхоналар маблағларининг маълум қисмини уларнинг яшаш шароитларини яхшилашга сарфлаш, серфарзанд оилаларнинг қай бирига мадад зарурлигини аниқлашда касаба уюшма қўмиталарининг кўмагига таянилмоқда. Ўтган муддатда кам таъминланган 84 оилага ташкилотлар томонидан 668 минг сўм миқдорида ёрдам пули берилди. 5 нафар ходимнинг фарзандларини махсус таълим масканларига жойлаштирилишига кўмаклашилди. Ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг дам олишини ташкил этиш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш учун бир ярим миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Тизимда хизмат қилаётган аёллар истагига кўра ўзлари хоҳлаган вақтда навбатдаги меҳнат таътилига чиқиш имкони берилган.

Аёлнинг оила, фарзандлари бағрида кўпроқ бўлиши, албатта, болалар тарбиясига таъсир этмай қолмайди. Шу боис тармоқ корхоналарининг аксариятида аёллар иш соатининг қисқариши таъминланмоқда. Биргина мисол. «Сирдарёавтойўл» бирлашмасида хизмат қилаётган аёллар иш соатлари қисқариши билан бир пайтда тунги ва оғир юмушларни бажаришдан ҳам озод этилмоқда.

**Н. ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ ГАРОВИ

Хорижий сармояларни ишлаб чиқариш жараёнига кенг жалб этиш ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш гаровидир. Шу боис ҳам «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компаниясида ўтган йили 12,51 миллион АҚШ доллари миқдоридаги чет эл инвестицияси ўзлаштирилгани эътиборга молик.

- 2001 йил май ойида Осиё тараққиёт банкининг иккинчи кредитини ажратиш тўғрисида битим имзоланган эди,- деди ЎзА мухбири билан суҳбатда мазкур компания бошқарма бошлиғи Л.Майорова. - 70 миллион АҚШ доллари миқдоридаги бу маблағ Мароқанд-Бухоро-Хўжадавлат йўналишидаги узунлиги 341 километрли йўлни тўлиқ таъмирлашга сарфланади.

Энди Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан магистрал тепловозларни янгилаш ва «Ўзтемирйўлтаъмирмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасини қисман реконструкциялаш бўйича қиймати 68 миллион долларга тенг кредит битимининг иккинчи босқичи ҳам имзоланди.

**(ЎзА).**

# МЕҲНАТКАШЛАР ИШОНЧИНИ ҚОЗОНИБ

***Пешку туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси тармоқ касаба уюшмалари орасида ўз ўрни ва мавқеига эга.***

Бу ерда бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, меҳнатларни муҳофазалаш, тегишли иш шароитларини яратиш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилаётир.

Бошланғич ташкилотлар ўз атрофига 4520 нафар касаба уюшма аъзосини бирлаштирган.

Ўтган йили қўмита белгиланган режалар доирасида асосий эътиборни оналар ва болаларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, мазмунли дам олишларини таъминлаш масалаларига қаратди.

Тўрт ва ундан ортиқ боласи бўлган 635 нафар аёлга моддий ёрдам уюштирилди. 760 нафар кам таъминланган оила фарзандлари учун кийим-кечаклар харид қилинди. 30 нафарга яқин хотин-қиз санаторий-профилакторийларда имтиёзли даволандилар.

Ёзги дам олиш мавсумида эса 200 нафар дан зиёд ўғил-қиз оромгоҳларда дам олдирилди. Туман касаба уюшмаси фаолларининг саъй-ҳаракати билан турли спорт мусобақалари ўтказилди. Масалан, мактабларнинг спортчи қизларидан ташкил топган волейболчилар жамоаси вилоят спартакиадасида фахрли II ўринни эгаллагани ҳам бежиз эмас. Туманда вояга етмаган ўсмирлар билан иш олиб боришда ҳам бой тажриба тўпланган. Улар дарслардан бўш вақтларида турли тўгарак, клуб ва спорт мусобақаларига, кўрик-танловларга жалб этилди.

Ўтган йил давомида амалга оширилган тадбирлар билан яқиндан танишиб чиққан Республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси туман қўмитасини таянч касаба уюшмаси деб эътироф этди. Шу муносабат билан яқинда бу ерда вилоят тармоқ касаба уюшмаси фаоллари иштирокида амалий семинар бўлиб ўтди.

**И.УСМОНОВ.**

# УСТОЗ




Ҳолида Маҳматқулова чорак аср муқаддам Қарши Давлат университетини тугатган. Шундан буён у ёшларга инглиз тили фанидан сабоқ бериб келади. Ўз касбига қунт билан астойдил ёндошгани учунми, бугунги кунда Қамаши шаҳридаги Амир Темур номли ўрта мактабда таҳсил олган жуда кўпчилик йигит-қизлар айнан хорижий тилларга йўналтирилган олийгоҳларни танлашмоқда.

— Республикамиз иқтисодиётини мустаҳкамлашнинг омилларидан бири, — дейди Ҳолида Маҳматқулова, — хориж билан алоқани мустаҳкамлаш. Бунинг учун ёшлар тил билишлари лозим.

Дарс жараёнида кўргазмали ўқув қуроллари билан ишлаш ўқувчининг билим даражаси ошишига яқиндан кўмак беради. Муаллима ҳар бир дарсни ана шунга амал қилган ҳолда ўтади. Шу боис ўқувчиларнинг ўзлаштириши ҳам юқори даражада.

**Шавкат СУЛТОН.**

# «АВЕСТО» ҲИКМАТЛАРИ

Меҳнат қилмайдиган одам! Сен ҳақиқатан ҳам тиланчилар қаторида, ёт эшикларга таъзим қилиб, абадулабад бош эгиб туражаксан! Ҳақиқатан ҳам сенинг ёнингдан турли хил зироатларни олиб ўтадилар. Бу ноз-неъматларнинг барчаси меҳнат қилаётган, тўқ ва фаровон яшаётган хонадонга насиб қилади. Абадулабад шундай бўлажак!

***

Инсон бутун умри давомида сув, тупроқ, олов, умуман дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчлидир.

***

Ҳар бир инсон ўзи ўсиб-улғайган заминни энг яхши ва энг гўзал мамлакат деб тушунмоғи керак.

***

Ҳақиқат — энг олий неъмат...

***

Кимда-ким қарзни ўз эгасига қайтармаса, унинг бу амали ўша омонатни ўғирлаган билан баробар бўлади. Қарз олган киши омонатни уйида сақласа, ҳар тун унга қўл урса ва ўзиники, деб гумон қилса, унинг бу амали омонатни иккинчи марта ўғирлаган билан баробардир.

*Ўзбек кураши халқаро майдонда жадал оммалашмоқда. Жаҳоннинг турли бурчакларида спортнинг ана шу тури бўйича нуфузли мусобақалар ташкил этилаётгани бунга мисол бўлади.*

## ЎЗБЕК КУРАШИ ЯНАДА ОММАЛАШМОҚДА

*Халқаро кураш ассоциацияси (ХКА) матбуот бўлимидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, кураш бўйича ўтказиб келинаётган анъанавий мусобақалар сирасига яна бир халқаро турнир қўшиладиган бўлди. Эрон кураш федерацияси президенти Муҳаммад Деракшан ХКАга жорий йилнинг 29 июн куни Теҳрон шаҳрида Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишланган халқаро турнир ташкил этилиши ҳақида хабар йўллаган.*

*Турфа олам*

## ОЛДИН СИНАБ КЎРИНГ

Хитойда яшовчи майда элатлардан бири бўлмиш дайларда яхши бир одат бор. Ёш йигит ўзига умр йўлдош сифатида танлаган қиз тўйгача унинг оила аъзолари билан бирга яшайди.

Оиладагилар бўлғуси келиннинг фаолиятини кузатиб туришади. Синов муддати тугагунча, унга ҳеч ким ҳеч бир нарсада ҳалақит бермайди. Агар қиз бу даврда уй-рўзғор ишларини яхши йўлга қўйиб юборса, режали, батартиб бўлса ва булар бутун оила аъзоларининг маслаҳатли йиғилишида тасдиқланса, тўй тантанасига тайёргарлик кўрила бошланади.

Кўриниб турибдики, «ишонишдан олдин синаб кўринг» деган матал оилавий муносабатларда ҳам амал қилар экан.

* * *

Америка Қўшма Штатларидаги Стэнфорд университети олимлари ўтказган тадқиқот натижаларига қараганда, бир соатлик жисмоний машқ билан шуғулланиш киши умрини 2-3 соатга узайтирар экан.

*Сарчашма*

# ЧЕВАРЛАР СУЛОЛАСИ

У бир қараганда Абдулла Қодирийнинг Кумушбибисини эслатса, бир қараганда, Ойбекнинг Гулноридек содда, самимий ва сулув эди.

Зулфияхоннинг «Тадбиркорлик ва аёл» кўргазмасига тавсия этган сўзаналари, зардеворлар, ёстиқ жилдлари-ю, қийқим матолардан ўта маҳорат билан тикилган турли-туман рўзғор ашёлари, зар иплар билан сайқалланган келин-куёвлар кийими, тўйчи болакайлар сарполари, хотин-қизлар кўйлаклари, чопонлару каштали халатларга боқиб ҳайратда қолдик. Улар шунчалар нозик дид, нафосат билан тикилган эдики! Тикишларнинг чоклари нафис, ранглари ўзаро уйғунлашган, зар иплар билан чиройли гуллар солиб безатилган кийим-кечакларда ҳам миллий руҳ, ҳам замонавийлик барқ уриб турарди.

Ўзи тиккан кўйлакларни кийиб, чиройли бўлиб юрганларни кўриб ҳаммадан кўп Зулфияхон қувонади, дилдан фахр-ифтихор туяди, шу ҳунарни ўргатган онажони-ю, бобожонини ширин хотира-ю дуолар билан ёдга олади. Ҳа, тикувчилик Зулфияхонга бобомерос касб. Унинг бобоси Бухоронинг мана-ман деган чевар тикувчиларидан эди. У тиккан тўнлар ҳатто амиру умаролар ўртасида ҳам машҳур бўлган. Ота ёлғиз қизи Ҳожарга ўлими олдидан шундай васият қилганди:

— Қизим, одамзоддан қоладигани яхши ному, савоб иш. Бунга эса фақат илм-маърифат ва ҳунар орқасидан эришиш мумкин. Насиҳатим: ҳунаримни хор қилма, уни ривожлантир, бойит, авлодларга мерос қолдир. Сулоламиз мангу давом этсин.

Ҳожар опа ота васиятини ҳаётининг мазмуни деб билди. Одамлар хизматига камарбаста бўлди. Келин-куёвлар, тўйчи болалар сарполарини маҳорат билан тикди, хуллас, элнинг яхши кунини обод қилди, ёмон кунида суянчиқ бўлди. Ўша пайтлари фақат туман марказидагина маиший хизмат уйи бўлиб, олис қишлоқ аҳли учун ҳам фақат биттагина тикувчилик цехи хизмат кўрсатарди. Ҳаёт гулшанининг гуллари бўлмиш аёллар эса чиройли кийинишни жуда хоҳлашарди. Аммо имкон, давр сиёсати бунга монелик қиларди. Ўнлаб шогирдлар тайёрлаш лаёқати бўла туриб, цех имконият режасидан чиқиб кетолмас, ишдан кейин ҳам бунга йўл йўқ эди.

Эҳ-ҳе, қанчадан-қанча тортишувлар бўлди, юқори ташкилотларга хатлар ёзилди. Хуллас, Ҳожар опанинг елиб-югуриши билан ҳамқишлоқлари ҳожати раво этилди. Маиший хизмат уйи ташкил этилди. Ҳожар опа қишлоқ ёшларидан ўндан ортиқ шогирдлар тайёрлади. Ана шу ёшлардан бири қизи — Зулфияхон эди.

Зулфиянинг сира эсидан чиқмайди. Ўшанда орзулари чечак отган 18 ёшли қизалоқ эди. Тикишбичиш сирларини онасидан ўрганиб олган, эндиги нияти одамлар хизматида бўлиш эди. Ота-она ёруғ ният билан дастурхон ёзиб, элга пир оши қилиб беришди. Қизлари Зулфияга сарполар кийдириб бобомерос қашчи, ип-игна, ангишвона тақдим этишди. Уни оилавий тикувчиларнинг учинчи сулоласи деб эълон қилишди. Шу куни Зулфия ўзини бирдан улғайиб қолгандек ҳис қилди. Мижозлари сони кундан кунга ортиб, фақат унгагина кийим тиктирадиганлар кўпайгандан кўпайиб бораверди. «Зулфия чевар» сифатида номи бутун Шофирконга ёйилди. Бобосидек машҳур уста бўлиб етишди, уни энди вилоятнинг барча туманларида сўраб келувчилар кўпайди. Бу ҳақда «Талисафет» жамоа хўжалиги хотин-қизлар қўмитаси раисаси Хурсанд Худойбердиева шундай дейди:

— Хўжалигимизда мингдан зиёд хотин-қизлар истиқомат қилишади. Уларнинг барчаси Зулфия чевар тиккан кийим-кечакларнинг шайдоси. Зулфия эса уларга имкон қадар яхшироқ хизмат кўрсатиш учун ўқиб-ўрганишдан, изланишдан тўхтамайди. Негаки, элнинг маънавият, маданияти аввало унинг кийинишида акс этишини яхши билади. Ана шу эзгу йўлда хизмат қилиб чарчамайди.

Ҳа, Зулфияхон тадбиркорликка йўл очилганидан чин қалбдан севиниб, унинг ижросига биринчи бўлиб киришганлардан. У Аҳмад Яссавий номли мактабда «Зулфия» хусусий корхонасини очиб, ёшларга ҳам чеварлик сирларини ўргатиб, ҳам мактаб иқтисодини яхшилашга баҳоли-қудрат кўмаклашган ташаббускорлардан.

Эзгу ишнинг қаноти бор дейишади. Зулфияхон бошлаган ташаббус кейинчалик мактабда кенг қулоч ёзиб сартарошлик, чилангарлик, пойафзал таъмирлаш цехи, хусусий кичик корхоналар ҳам иш бошлади. Бу корхоналарнинг яна бир қулайлик томони шундаки, ўқувчиларга бепул хизмат кўрсатилади. Бундан ота-оналар беҳад мамнундирлар.

Зулфияхон шогирдлар тайёрлаб, одамларга қувонч улашди. Унинг Марғуба Қаҳҳорова, Олия Жўраева каби шогирдлари ҳозирданоқ эл олқишига сазовор бўлишмоқда. Улар тиккан кийимларни қувониб, яйраб кийганлар эса «тарбия берган устозингга раҳмат» дейишмоқда.

25 йилдан бери тикувчилик касбини эъзозлаб, аждодлар руҳини шод қилиб келаётган Зулфияхоннинг икки қизи Дилоромхон ва Дилшодахонлар ҳам бу ҳунарга ҳавас қўйишган.

— Қизларим тикувчилик сулоламизнинг тўртинчи авлодлари ҳисобланади, - дейди Зулфияхон Сафарова фахр-ифтихор билан. - Мен уларга устоз сифатида қўл бериб, оқ йўл тилар эканман, бобом бошлаган иш авлодларимиз камолида мангу давом этишига ишонаман.

**Амина ҚОДИРОВА.**

***Тошкент Давлат шарқшунослик институти ўзининг ўн йиллик фаолияти давомида кўплаб малакали ёш мутахассисларни тайёрлаб берди. Олий ўқув юртининг «Маркетинг ва менежмент» кафедрасида таҳсил кўраётган талаба ёшларга ҳам пухта билим ва малака берилиб, таълим соҳасида кўп ибратли ишлар амалга оширилди.***

## ИККИ ХОРИЖИЙ ТИЛ СОҲИБЛАРИ

Кафедранинг битирувчилари «Икки хорижий тил билган халқаро иқтисодчи» деган мутахассисликка эга бўлмоқдалар. Ушбу ихтисосликни пухта эгаллаган ёшлар эндиликда халқаро маркетинг ва менежмент мутахассислигида фаол меҳнат қилиб келмоқда.

Бу ерда «Маркетинг асослари», «Менежмент», «Ташқи иқтисодий фаолиятда маркетинг», «Ўзбекистонда инвестиция сиёсати», «Халқаро менежмент» каби фанлардан уюштирилаётган машғулотларда яхши самарадорликка эришилмоқда.

Кафедрада машҳур зиёкор Замахшарий номидаги стипендиянинг таъсис этилиши ҳам айни муддао бўлди. Ҳозир бундай нуфузли стипендия олиб ўқиётган иқтидорли ёшлар анчагина. Айни вақтда институт ректори стипендиятлари ҳам бор.

Кафедранинг халқаро алоқалари ҳам яхши йўлга қўйилган. Профессор-ўқитувчилардан кўпчилиги хорижий мамлакатларда илмий сафарда бўлишди. АҚШ, Германия, Ҳиндистонда уюштирилган малака ошириш машғулотлари ўқув жараёнларини янада яхшилашда муҳим омил бўлмоқда.

Кафедра ўзининг 10 йиллик санасига янги тадқиқотлар тўпламини тайёрлади.

**А.АЛИЕВ.**

# ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Метро аҳолига намунали хизмат кўрсатишнинг энг қулай ва ишончли транспорт воситасига айланиб қолди. Шу сабабли ҳам ер ости темир йўлига бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда.

Янги йилда ҳам Тошкент метрополитени йўловчиларга яхши хизмат кўрсатишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйди. Метронинг Юнусобод йўли ўз фаолиятини янада яхшилайди. Бу ерда унинг навбатдаги бекатларини бунёд этиш ишлари жадал олиб борилади. Бунинг учун кўплаб маблағ ажратилди. Ҳаракат таркиби янгилари ҳисобига кенгаяди. Бундан ташқари, янги техник жиҳозлар олинади. Шу мақсадда 5383 минг АҚШ доллари миқдорида капитал маблағ ажратилди.

Қурилаётган бу каби тадбирлар ер ости транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш имконини беради.

# ЭФИРДА "ОРИЯТ— ДОНО"

Яқинда Миллий матбуот марказида «Орият—Доно» радиоканали фаолиятининг бир йиллиги муносабати ва янги «Орият FM» халқаро канали очилишига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Маълумки, «Орият—Доно» 106,5 тўлқинида ҳаво мавжларига узатилиб, ахборот ва дам олишга мўлжалланган АС — soft услубидаги радиодир. Шу қисқа давр ичида ўзининг доимий тингловчиларига эга бўлди. Айниқса, ёши 20 дан 55 гача бўлган, турли соҳа кишилари ҳамда аҳолининг ижтимоий фаол қисми асосий тингловчилар ҳисобланишади.

— Мазкур радиоканал бошқалардан оилавий радио сифатида фарқ қилади, — дейди «ORIAT» телерадиокомпанияси бошқаруви раиси Шуҳрат Йўлдошев. — Бизнинг шарқона одатимизга кўра ҳаётимизнинг энг ёрқин ва ҳаяжонли дамлари оилада ўтади. Миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизни тарғибот-ташвиқот қилиш учун ҳам ушбу радиони очганмиз.

Мамлакатимиздаги барча радиоканаллар ўртасида соғлом рақобат вужудга келмоқда. Шунингдек, «ORIAT-DONO» радиостанциясининг тезкор ва ишонарли ахборот хизмати эфирда ҳудудий, халқаро, иқтисодий ва маданий янгиликлар, спорт хабарлари ва об-ҳаво маълумотларини мунтазам бериб боради.

Радиостанциянинг техник таъминот даражаси Россия ва Европанинг олди FM каналларидан қолишмайди. Барча техник жараён замонавий, мукаммал технологияларда амалга оширилади.

**Қ.ШОКИРОВ.**

*Дунё бизни танимоқда, биз дунёни*

# ГЕРМАНИЯ

***Марказий Европадаги давлат. Ҳудуди — 356.96 минг кв.км. Пойтахти — Берлин (3.5 млн аҳолига эга). Йирик шаҳарлари: Гамбург (1.7 млн), Мюнхен (1.2 млн), Кёлн (1 млн). Аҳолиси 82.16 млн. Асосан немислар бўлиб, серблар, данияликлар ҳам яшайди. Икки фоиз аҳоли собиқ СССРдан кўчиб келган немислардир. Давлат тили — немис тили. Диндорларнинг асосий қисми христианлар. Пул бирлиги 1 январдан бошлаб Евро.***




ГФР маъмурий ҳудудий жиҳатдан16 ердан иборат давлат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз парламенти ва ҳукуматига эга.

ГФР асосий қонуни 1949 йили 23 майда қабул қилинган. Давлат бошлиғи федерал президент, ҳукуматни федерал канцлер бошқаради. Иккинчи жаҳон урушидан кейин икки — ГФР ва ГДРга ажралган. Ҳозирги ГФР 1990 йил 3 октябрда бирлашиш туфайли юзага келди.

НАТО, Европа Иттифоқи, Катта еттилик аъзоси.

ГФР ялпи миллий маҳсулот миқдори бўйича Европада биринчи, жаҳонда (АҚШ ва Япониядан кейин) 3-ўринда туради. ЯММ 1 трлн. 344,6 млрд доллар, жон бошига 16.580 доллар. ГФРга жаҳон ЯИМнинг 7.8 фоизи ва ЕИ ЯИМнинг 28 фоизи тўғри келади.

ГФР ва ГДРнинг қўшилиши билан иқтисодий ривожланиш суръатлари анча пасайди. Металлургия, кимё, электротехника, машинасозлик соҳалари, қурилиш саноати юқори даражада ривожланган тармоқларга киради. Йилига ўртача 42.1 млн тонна пўлат, 5 млн дона автомобиль, 680 млрд квт-соат электроэнергия ишлаб чиқарилади (11 фоизи АЭСдан олинади). Асосий электр энергияси манбаи кўмир, нефть, газ ҳисобланади. Тошкўмир захираси 20 млрд тоннага тенг.

ГФРда қишлоқ хўжалиги юқори даражада ривожланган ва ЯИМнинг 15 фоизини ташкил қилади, бу соҳада аҳолининг 5 фоизи банд. Ички истеъмолнинг 90 фоизи шу ҳисобдандир. Чорвачилик етакчи бўлиб, умумий маҳсулотнинг 67 фоизини беради. Йилига жон бошига 97 кг гўшт истеъмол қилинади. Ўртача дон ҳосилдорлиги 54-62 центнерга тенг.

ГФР транспорт тизимида давлатга қарашли темир йўллар етакчидир. Уларнинг узунлиги 41.028 км, шулардан 16 минг км электрлаштирилган, автомобил паркида 42.5 млн машина бор, шулардан 35.5 млн енгил машиналардир. Автомобил ишлаб чиқариш бўйича АҚШ ва Япониядан кейин 3-ўринда туради. Автомобил йўллари узунлиги 221 минг км. Савдо флоти ихтиёрида 1066 кема мавжуд.

ГФР ташқи савдо обороти 1227 млрд маркага тенг, экспорт — 627 млрд, импорт — 600 млрд марка. Асосий савдо шериклари: ЕИ мамлакатлари (51 фоиз айланма), АҚШ, Россия, МДҲ мамлакатлари билан экспорт 13 фоиз, импорт 17.2 фоизга тенг.

Туризм иқтисодиёт учун катта даромад келтирувчи соҳадир (йилига 17.5 млрд. марка). Туристлар хуш кўрадиган жойлар: Болтиқ денгизи қирғоқлари, Саксония Швейцарияси, Боден кўли атрофлари, Альп тоғ ёнбағирлари ва бошқалар.

1990 йил қўшилган ГДР иқтисодиётини модернизациялаш учун анча катта маблағ сарфланмоқда.

Федерал банкнинг олтин заҳиралари 13.448 млрд маркага тенг.

Эркакларнинг пенсия ёши 65, аёлларники 60 ёш. Эркакларнинг ўртача умр кўриши 73.5, аёлларники 80 ёш.

Ҳақ тўланадиган таътил 30 иш куни (6 ҳафта)дир. Йирик олий ўқув юртлари (талабалар сонига кўра) Мюнхен (60 минг), Берлин (эркин университет — 58 минг), Мюнстер (42 минг), Гамбург (41 минг), Бонн (36 минг) университетларидир.

Ўзбекистон билан ГФР ўртасида 1992 йил 6 мартда дипломатик муносабатлар элчихоналар даражасида ўрнатилган. Иккала мамлакат ўртасида яхши иқтисодий муносабатлар мавжуд. ГФР ёрдамида Тошкент аэропорти модернизация қилиш, пиво ишлаб чиқариш ривожланди. 132 та қўшма корхона мавжуд. Товар айланма (2000 й.) 291,9 млн долларга тенг.

Тошкент-Франкфурт шаҳарлари ўртасида бевосита самолёт алоқалари ўрнатилган.

**Абдухалил РАЗЗОҚОВ,**
**профессор.**

## *Биласизми?*

Пойтахтлар ичида Шом (Сурия)нинг бош шаҳри Дамашқ дунёда анча қадимги пойтахт ҳисобланади. У ерда тахминан милоддан олдинги 2500 йилдан бошлаб аҳоли яшаб келар экан.

* * *

Дунёда энг баланд пойтахт Боливиянинг бош шаҳри Ла-Пасдир. У денгиз сатҳидан 3631 газ баландликда бўлиб, 1548 йили ҳиндулар қишлоғи ўрнида барпо қилинган эди.

* * *

Исландиянинг 95800 одам яшовчи Рейкявик шаҳри дунёда энг шимолий пойтахт саналади.

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Тошкент давлат аграр университети талабалар касаба уюшма қўмитаси раиси

**Жалолиддин ЖЎРАЕВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди22.25

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 25. 1 2 3 4 5 6